КПСС XXVII СЪЕЗДИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

# АМУНИНГ „ҚИРМИЗИ ДОНИ“

## Сўз—ташаббускорларга

Қодиримбет ДУРИМБЕТОВ,
Ленинобод районидаги «Олтинкўл» совхозининг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Кейинги йилларда Амударёнинг қуйи оқимида шоличиликка эътибор кескин оширилиб, кўплаб янги хўжаликлар ташкил қилинди. Ҳосилдорлик гектаридан 55-60 центнердан ошди. Илғор коллективлар орасида Чапаев номли совхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Бекниёзов, «Олтинкўл» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Қурбонбоевлар бошлиқ шоличилик бригадалари бор.

Айни кунларда шоликорлар КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш ташаббуси билан чиққан бир гуруҳ илғорлар даъватига қўшилиб меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида шоликорларимиз камида 311 минг тонна «қирмизи дон» етиштиришга аҳд қилишди. Шу мақсадда хўжаликлар, агроучасткаларда, бригадалар ва звеноларда иш қизиб кетди.

Ўтган йили совхозимиз белгиланганидан анча кам— гектаридан бор-йўғи 35,8 центнердан— жами 20323 тонна ҳосил кўтариб, планни бажаролмаган эди.

Меҳнат интизоми бўшаштириб юборилганлиги, ердан оқилона фойдаланилмаганлиги бунга сабаб бўлганди. Ўрта бўғин кадрлари, мутахассисларга талабчанлик, уларнинг масъулият ҳиссини оширишга бўлган эътибор сусайиб кетган эди. Ҳосил миқдори қўшиб ёзилар, ортиқча экин майдонлари эса планда кўрсатилмай, белгиланган топшириқлар кўзбўямачилик йўли билан қоғозлардагина бажариб келинарди. Бундай иллатлар ўз вақтида область ва район партия комитетлари пленумлари ҳамда бюро мажлисларида муҳокама қилиниб, хато ва камчиликларга, нуқсонларга йўл қўйган совхоз раҳбарлари, мутахассислари тегишлича жазоландилар, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари ишчан кадрлар билан мустаҳкамланди. Эндиликда ана шу камчиликлар бартараф этила бориб, мўл ҳосил учун кураш тобора авж олдирилмоқда.



Ҳозирги кунда шоли етиштиришни кўпайтиришнинг барча имкониятларига эгамиз. Орамизда топширилган вазифани сидқидилдан бажармайдиган битта ҳам бригада, звено бўлмаслиги учун курашяпмиз. Биз якунловчи йилда 5500 гектар майдонга шоли экиб, планда кўрсатилган 38,49 центнер ўрнига гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштирамиз, ялпи ҳосилни 21170 тонна ўрнига 23100 тоннага етказамиз. Реимбой Исмоилов, Қидирбой Жуманиёзов, Айтмурод Есенбоев, Бахи Ўрозимбетов ҳамда Омониёз Жубанов сингари уста шоликорлар бошлиқ бригадалар съездолди мусобақасининг олдинги сафида бормоқда. Улар гектар бошига 45-50 центнердан ҳосил кўтариш учун барча резервларни ҳаракатга келтирмоқдалар. Сувчилардан Т. Исоқов, П. Юсупниёзов, Ш. Изимбетовлар экинни қондириб суғоришаётир. Совхоздаги учта агроучастка, 15 та хўжалик ҳисобидаги бригада ҳамда звеноларда шолига ишлов бериш, озиқлантириш, сув қуйиш каби ишлар комплекс олиб борилмоқда. Бу ишга тажрибали сувчилар сафарбар қилинган. Ҳосилни барвақт, қисқа муддатларда ўриб-янчиб олиш мақсадида 180 комбайн, 87 та жатка ва бошқа техника воситалари мавсумга шайлаб қўйилади. Механизатор кадрларнинг малакасини оширишга ҳам эътибор берилаётир.

Бригадамизда шоли тайёрлаш плани ҳар йили ортиғи билан бажариб келинади. Ўтган йили бригадамиз гектар бошига 57,7 центнердан ҳосил кўтарди. Бу йилги маррамиз эса ундан ҳам ортиқ. 310 гектар майдонга шоли экканмиз. Режамиз— гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтариш ва ялпи ҳосилни 1860 тоннага етказиб, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишдан иборат.

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари пойтахтларининг касаба союзлари ва меҳнаткашлари ўртасидаги дўстона алоқаларни бутун чоралар билан чуқурлаштириш социалистик давлатларнинг жипслигини янада мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Социалистик мамлакатлар пойтахтлари касаба союз Советлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган V халқаро кенгашида шулар таъкидланди, БХР, ВХР, ВСР, ГДР, КХДР, Куба Республикаси, ЛХДР, МХР, ПХР, РСР, СССР, ЧССР пойтахтларининг вакиллари ўз мамлакатларининг партия съездлари белгилаб берган ички ва ташқи сиёсат вазифаларини амалга оширишдаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Кенгаш якунлари бўйича ахборот қабул қилинди.

(ТАСС).

# Мустаҳкамланаётган бирдамлик

Африка қитъасининг мустамлакачилик қолдиқларидан ва ирқчиликдан тўла озод бўлиши, тинчлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш олиб бораётган Африка халқларини СССР изчил ва қатъиян қўллаб-қувватламоқда. Африканинг жанубидаги халқлар билан бирдамлик ҳафталиги доирасида Москва, Тошкент, Олмаота, Тбилиси, Боку. Фрунзе ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган жамоатчилик вакиллари йиғилишларида шу нарса таъкидланди. Ҳафталик мамлакатимизда 31 май куни ниҳоясига етди.

Ҳафталик программасида, шунингдек ҳужжатли ва бадиий фильмлар кўриги, китоб кўргазмалари ҳам бўлиб, уларда Африка кинематографчилари ва адибларининг асарлари кенг намойиш қилинди. Корхоналарда, муассасаларда ва ўқув юртларида намойиш этилган фотоэкспозициялар қитъанинг бугунги куни ҳақида, СССР билан Африка мамлакатлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган кўп томонлама алоқалар тўғрисида ҳикоя қилди.

Бир қанча Африка мамлакатларининг Москвадаги элчихоналари анъанавий намойиш қиладиган «Африка халқлари санъати» кўргазмаси катта муваффақият қозонди.

Ёшларнинг дўстлик кечаларида СССРда таълим олаётган африкалик студентлар ўз тенгқурларини Африка халқларининг ўзига хос қўшиқ ва рақслари билан таништирдилар.

(ТАСС).

## Чет элларда

### СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ДОИРАСИДА

ЖЕНЕВА, 1 июнь (ТАСС). Кеча бу ерда ядро ва космик қуролларга бағишланган Совет-Америка музокаралари доирасида стратегик қуроллар билан шуғулланувчи группанинг мажлиси бўлди.

### ВЕНАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ВЕНА, (ТАСС). Марказий Европада қуролли кучларни ва қуролларни ўзаро қисқартириш ҳақидаги музокараларнинг навбатдаги ялпи мажлисида ВХР делегациясининг бошлиғи Я. Петран сўзга чиқди. У Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар делегацияларининг қўшинларни уларнинг қурол-яроғи ва ҳарбий техникаси билан биргаликда қисқартиришни кўзда тутувчи режасининг асослилигини ва принципиал муҳимлигини кўрсатиб берди. Бусиз Европа марказидаги ҳарбий мухолифлик даражасини самарали пасайтиришга эришиб бўлмайди.

Венгрия вакили НАТО мамлакатларининг ушбу конкрет масала хусусидаги салбий позициясини далиллар асосида танқид қилиб айтдики, Ғарбнинг қурол-яроғларни қисқартиришдан бўйин товлаётганлиги Вена музокаралари мандатининг ўзига ҳилофдир ва битимга эришиш йўлидаги жиддий тўсиқлардан бири бўлиб қолади.

# «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## ФАКТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Имзосиз келган хатда Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети декани Ў. Носировнинг ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилаётганлиги ва бошқа камчиликларга йўл қўяётганлиги хабар қилинган эди.

**Ушбу хат юзасидан текшириш ўтказган ЖИЗЗАХ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда қайд этилишича, шикоятда баён этилган фактлар асосан тасдиқланди.**

**Текшириш натижалари институт бошланғич партия ташкилоти йиғилишида муҳокама қилинди. Факультетда таълим-тарбия жараёни, ўқув планининг бажарилиши устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги, коллектив фикри билан ҳисоблашмай қўйганлиги учун КПСС аъзоси Ў. Носировга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан берилди. Шаҳар партия комитети бюроси бошланғич партия ташкилоти йиғилишининг бу қарорини тасдиқлади.**

## ТАДБИРЛАР КЎРИЛЯПТИ

«Баъзи медицина ходимларининг беморларга бефарқ қараётганлиги кўпчиликни ранжитмоқда», — дейилганди Наманган шаҳрида яшовчи А. Қаюмов йўллаган шикоят хатда.

**НАМАНГАН ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланганини маълум қилади. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими буйруғи билан 2-болалар шифохонаси бош врачига даволаш-профилактика ишлари бўшаштириб юборилганлиги кўрсатиб ўтилди. 2- ва 3-болалар касалхонаси бўлим мудирлари Нуриддинов ва Абдуллажоновга ҳайфсан берилди, врач-травматолог Р. Қаюмовга эса қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Область соғлиқни сақлаш бўлимининг буйруғи билан 2-болалар поликлиникаси мудири Ф. Башкирцева вазифасидан бўшатилди.**

**Шаҳардаги даволаш-профилактика муассасалари медицина ходимлари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриляпти.**

## ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

«Навоий номли колхознинг Чордона қишлоғида чироқ тез-тез ўчиб туради» (Задарё районида яшовчи М. Худойбердиев хатидан).

**ЗАДАРЁ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда жумладан, шундай дейилади:**

**— Хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Камчиликлар бартараф этилди. Электр тармоқлари идораси маъмурияти ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун участка мастери А. Абдуқаххоровга ҳайфсан берди.**

## ИНТИЗОМ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Имзосиз хатда Пахтачи районидаги 5-ўрта мактабда меҳнат интизоми ва таълим-тарбия ишлари бўшашиб кетганлиги баён этилган эди.

**— Ҳақиқатан ҳам мактабда таълим-тарбия жараёни устидан назорат бўшаштириб юборилган, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга етарли эътибор берилмаган, — дейилади ПАХТАЧИ РАЙОН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ йўллаган жавобда. — Район халқ маорифи бўлими Совети таълим- тарбия ишларида камчиликларга йўл қўйганликлари учун 5-ўрта мактаб директори Н. Ҳусановга ҳайфсан эълон қилди, илмий мудир С. Ҳалилов ва директор ўринбосари Рамазоновлар огоҳлантирилдилар.**

ДАЛА ИШЛАРИГА—ЮКСАК СУРЪАТ!

# ОДАМЛАР ВА ОДИМЛАР

**КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленумлари қарорларини чуқур қониқиш билан кутиб олган Жиззах области меҳнаткашлари партиямизнинг олий анжумани — КПСС XXVII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини тобора авж олдирмоқдалар. Съездолди мусобақасини бошқариш, область меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини ошириш, уларнинг активлигини хўжалик ва маданий қурилишдаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратиш — кўпчилик партия, совет, хўжалик органларининг, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг фаолият мезонига айланиб боряпти. Республикамиз ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги ватанпарварлик ташаббуси меҳнат коллективларида кенг қўллаб-қувватланмоқда.**

**Қуйида область қишлоқ меҳнаткашларининг шу кеча-кундузда олиб бораётган ишлари, айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бригадасининг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари меҳнаткашлари вакилларининг қўшма кенгашидаги кўрсатмалари конкрет ижросини таъминлаётган шижоаткор одамлар ҳақида ҳикоя қиламиз.**

## ЗАМИН ЗАРГАРИ

— Беш йилликнинг якунловчи йилида деҳқонларимиз, чорвадорларимиз, соҳибкору боғбонларимиз катта имтиҳондан ўтадилар, —дейишди область партия комитетида бўлиб ўтган суҳбатда. — Зеро, олдинги йилларда давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишда йўл қўйилган қолоқликни қоплаш, йиллик ва, умуман, беш йиллик давлат планини муваффақиятли адо этиш керак. Бу енгил вазифа эмас. Шуни яхши ҳис этган агросаноат комплексининг барча ходимлари айни кезларда қизғин меҳнат қилишяпти.

Октябрь, Дўстлик, Зарбдор районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг сўнгги қишлоқ хўжалик йилини бирмунча яхши бошладилар. Бу районларда озуқа экинлари ўз вақтида экилди, беда, маккажўхори ва чигит экиш ишлари барвақт тугалланди. Айниқса, чигит асосий майдонларда қийғос ундириб олинди. Қатор ораларига иккинчи, учинчи ишлов бериш ишлари жадал давом этмоқда. «Пахтакор», «Ленин йўли», «Советская Россия», Саркисов номли, Собир Раҳимов номли, Юлиус Фучик номли совхозларда, Дўстлик ва Жиззах районларидаги Ленин номли хўжаликларда ва СоюзНИХИнинг Мирзачўл филиалида меҳнат яхши ташкил этилган.

Обкомдаги суҳбат бизда кенг пахта далаларини, чорвачилик комплексларини, серҳосил боғ-роғлар, озуқа, сабзавот, полиз майдонларини кўриш, ижодкор меҳнаткашлар билан бир фурсат бўлса-да гурунг қилиш истагини туғдирди.

Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз директори Каримқул Ҳайитқуловни хўжалик сут-товар фермасида учратдик. У совхоз чорвачилиги тараққиёти ҳақида сўз бошлади-ю, тўхтаб қолди.

— Узр, мен гапирсам мақтангандек бўларман, яхшиси, чорвадорларимизнинг ўзидан эшитинг. Мана, илғор сут соғувчилардан Зулайхо Сайитқулова!

Зулайхо аввалига ийманиб турди. Сўнгра оҳиста сўз бошлади.

— Хўжалигимизда 1300 бош «Қизил эстон» зотли қорамол бор. Шундан 350 таси соғин сигир бўлиб, бу йил улардан 800 тонна серқаймоқ сут соғиб оламиз.

— Ўзингизнинг маррангиз қандай? — сўраймиз ундан.

— Боқимимдаги говмушлардан 30 тонна сут соғиб олиш ниятим бор. Хадича Зулфиқорова, Ҳалима Сувонова каби ҳамкасбларимнинг ҳам аҳди шундай.

... Ферма дарвозаси ёнида усти ёпиқ 3 та «Колхида» машинаси тўхтади. Уларнинг биридан тушган йигит директорга Бекобод гўшт комбинатидан келишаётганини айтди.

— Бугун бўрдоқиларимизнинг яна бир туркумини гўшт учун жўнатаётувдик,— изоҳ берди директор бизга. —Ярим йиллик планимизни бажардик. Йил охиригача 130 тонна гўшт, 100 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олганмиз.

... Кафтдек текис далаларда барқ уриб ўсаётган ғўза ниҳолларига нигоҳ ташлаймиз. Олди шоналаб қолган ғўза тўла яганадан чиқиб, учинчи ишлов оляпти. Қатор ораларига сув тараш аллақачон бошлаб юборилди. Кўплаб оилавий пудратчилар ўз оталиқларидаги участкаларни бегона ўтлардан тозалаб, озиқлантириб бўлдилар.

Совхоз меҳнаткашлари бу йил 3723 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар қачонгидан кўп пахта, дон, беда, лавлаги, рож-рапс, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга сўз беришган. Давлатга пландаги 11150 тонна ўрнига 12 минг тонна «оқ олтин» топширилади. Бу — гектар бошига 30 центнердан ҳосил, дегани. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ислом Абдуллаев, коммунист Тошмурод Абдужалилов, Мухтор Турдибеков, Далибой Турдиев, Зулайхо Далиева ўртоқлар бош бўлган бригадаларда ҳосилдорлик 35—37 центнерга кўтарилади. Хўжаликнинг мавжуд 7 бўлимидаги 56 бригаданинг ҳаммаси шу йилдан бошлаб меҳнатни ташкил этишнинг нарядсиз системасига ўтиб ишлашяпти. Иқтисодчиларнинг тахминий ҳисобларига кўра, йил охирига бориб бу усул совхозга бир миллион сўмлик соф фойда беради. Айни пайтда пахтакорлар ҳам салкам шунча миқдорда қўшимча иш ҳақи оладилар.

— Совхозингиз областда қандай хўжаликлар даражасига чиқишини хоҳлардингиз?— сўраймиз Каримқул акадан. У бир зум ўйланиб турди-да, кулиб жавоб қилди:

— Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозига тенглашсак, деб орзу қилиб юраман. Ўтган йили областда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган ягона шу хўжалик бўлди. Атай бориб, кўрсаткичлари билан қизиққанман. Ўтган йили маҳсулот реализация қилиш планини 4 миллион 886 минг сўм ўрнига 7 миллион 400 минг сўмлик қилиб бажарган. Соф фойдасининг ўзи 1,5 миллион сўмга чиқди. Ҳозир ҳам ҳар йили олиб келаётган фойдалар ҳисобидан хўжаликнинг 2 миллион сўмга яқин пули бор.



**Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Алиқул Анорбоев Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозида салкам йигирма йилдан бери механизаторлик қилади. У ишлаётган бригада заршунослари бу йил гектар бошига 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга сўз беришган.**

**Суратда: моҳир механизатор А. Анорбоев.**

— Гап бу рақамларда эмас, — дейди «Пахтакор»да бўлганимизда совхоз директори Аширқул Усмонов. — Гап уларга салмоқ бағишлаётган, эл-юрт, партия ва ҳукумат ишончини оқлаётган, замин сийнасини заргарлаб, ҳар қисм тупроқни қадрлаётган одамларимизда! Ва яна, энг муҳими, уларнинг ишга бўлган муносабати, кайфияти, сиҳат-саломатлигида. Уларни мен чин маънода замин заргарлари деб таърифлагим келади. Улар соғ бўлса, кайфиятлари доим чоғ юрса, меҳнат унумли бўлаверади...

## МЕҲНАТ МАРШИДА

Аширқул аканинг шу сўзларини йўлда эслаб келяпмизу, кўз олдимизда беихтиёр ўша куни кечга қадар кўрган, суҳбатлашган дала меҳнаткашлари қиёфаси гавдаланди. Уларнинг офтобда қорайган ёниқ юзлари, толиққанда киртайгану, аммо нурли кўзлари, савол-жавобдаги дангал, дадил сўзлари ёдимизга тушди. Қулоқларимиз остида меҳнат марши садолари янгради.

Ёзув тўла ён дафтаримизни бир-бир варақлаб, уларнинг қалб сўзларини ва ҳар бири ҳақида битиб қўйган сатрларимизни ўқий бошлаймиз:

**«...КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев ишлаб чиқаришда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш билан жуда қисқа вақт ичида салмоқли натижаларни қўлга киритиш мумкин, деб жуда тўғри айтдилар. Буни мен бугунги кунда ўз бригадамиз мисолида кўриб турибман. Одамлар масъулиятни ҳис этиб, ташаббус ва тажрибага алоҳида эътибор қиладиган бўлиб қолишди. Ишимизга унум, суръат ва сифат кирди. Бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш чўтимиз бор. Бу бизнинг КПСС XXVII съездига муносиб совғамиз бўлади...**

**Марқабой ЖУМАБОЕВ, Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоз».**

**«Зарбдор районидаги «Ударник» совхозининг илғор соғувчиси Муқимой Ҳабибуллаева беш йилликнинг якунловчи йилида боқимидаги ҳар бир сигирдан 2500 килограмм сут соғиш мажбуриятини олди. Бу — сигир бошига пландагидан 100 килограмм кўп. У райондаги илғор соғувчи Ўғилой Қурбонованн мусобақага чақирди».**

**«...Қаршигул Одилбекова — Октябрь районидаги Тимирязев номли совхозининг моҳир товуқбоқари. 1986 йилнинг биринчи квартал планини дастлабки икки ойдаёқ бажаришга сўз берди».**

Мана бу саҳифада эса область партия комитетида бўлган суҳбат қайд этилган. Обкомнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири И. Умрзоқов область чорвачилигини юксалтириш, хусусан, озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган чора ва тадбирлар ҳақида шундай дейди:

— Чорвачилик биз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифадир. Соҳани кўтариш эса, энг аввало, озуқа базасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Бунинг учун бизда катта имкониятлар бор. Масалан, ҳозир областда озуқа экинлари майдони 8,5 минг гектарга кўпайди. Фақат беда ва илдиз мевали озуқа экинлари экиш икки баравар ошди. Кўпгина хўжаликларимиз масаланинг моҳиятини чуқур тушуниб, озуқа экинларини алмашлаб экиш далаларига тўғри жойлаштирдилар. Экиш ўз вақтида тугалланиб, парвариши яхши олиб борилди. Шу кунларда бир томонда ўрим-йиғимни, бир томонда парваришни жадал давом эттиряпмиз.

Яқинда область партия комитети Ғаллаорол райони ва областдаги 10 та илғор хўжаликнинг юқори сифатли озуқа тайёрланишини таъминлаш юзасидан кўтарган ташаббусини маъқуллади. Партия ташкилотларимиз ҳозир бу ташаббусни кенг оммалаштирмоқдалар...

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли боғдорчилик совхозининг кўз илғамас узумзорлари оралаб, баҳри-дилингиз очилади. Олма, олхўрилар ранг олмоқда. Беҳизорларда ажиб тароват...

Хўжаликнинг бош агрономи Асқар Холжигитов боғбонларнинг бу йилги юксак марралари ҳақида фахрланиб сўзлайди:

— Яна 25 кундан сўнг олма теримига тушамиз. Унинг дастлабки тонналарини Москвада ўтадиган XII Жаҳон ёшлари фестивалига жўнатамиз. Йил охиригача Бутуниттифоқ фондига 1200 тонна узум, 1000 тонна олма, 180 тонна беҳи, 20 тонна олхўри етказиб бериш режамиз бор. Омон Шукуров, Дониёр Равшанов сингари илғор боғбонларимиз қаровидаги боғроғлар ҳар қачонгидан серҳосил. Мажбуриятларимиз ҳам юксак: 1135 гектар майдонни эгаллаган боғлардан 4600 тонна узум, 1800 тонна олма, 120 тонна майиз сингари турли хил мева ҳосили кўтармоқчимиз...

**Ҳа, шу кунларда Жиззах области далаларида, ферма ва боғ-роғларида, сабзавотчилик ҳамда полиз майдонларида меҳнат қайнаяпти. 150 минг гектар ерга чигит қадаган пахтакорларнинг бутун эътибори 367 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга қаратилган. Чорвадорлар мўл-кўл озуқа базаси яратиб, Ватанга ҳар қачонгидан кўп чорвачилик маҳсулотлари етиштириб беришга, соҳибкорлар эса эл-юрт дастурхонини ноз-неъмат турлари билан безашга сўз беришган.**

**Областнинг одамлари ҳам, одимлари ҳам ўктам ва шахдам!**

**Н. САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**



**Суратда: Дўстлик районидаги Саркисов номли совхознинг Тошмурод Абдужалилов бошлиқ бригадаси далаларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.**

**В. Молгачев** фотолари.

